




Зохиджон ИСЛОМОВ,
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори,
филология фанлари доктори, профессор*

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ «КЎЗИ ОЖИЗГА ТАСАЛЛИ» РИСОЛАСИ: ЯНГИ ТОПИЛМА

Аллома Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарийнинг илмий маънавий меросини ўрганиш мустақиллик йилларида жадал олиб борилмоқда. Бугунги кунда Маҳмуд Замахшарий қаламига мансуб асарлар сони 70 га яқинлашганини айтиш ҳар бир инсонда ифтихор ҳиссини уйғотади. Буюк аллома бобомиз ўзининг улкан маънавий мероси билан “Устозу-л-араб ва-л-ажам” – “Араблар ва араб бўлмаган халқларнинг устози”, “Фахри Хоразм” – “Хоразм фахри”, “Қаъбату-л-удабо” – “Адибларнинг Қаъбаси”, “Тоҷу-л-ислом” – “Исломнинг тожи”, “Жоруллоҳ” – “Аллоҳнинг қўшниси” каби улуғ шарафли номларга сазовор бўлган.

Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросига мансуб, аммо топилмаган асарлари ҳам мавжуд. Мана шундай асарлардан бири Техрондаги Малик миллий кутубхонасидаги 1622 рақам остида сақланадиган қўлёзма таркибида аниқланган. Қўлёзма 589/1193 йили котиб Муҳаммад ибн Абу Юсуф ибн Умар томонидан қўчирилган ва унинг 12 б.– 17 а. саҳифаларига “Рисола фи- т-таслия ли-ман куфват ғайнуҳу” – “Кўзи ожиз кишига тасалли бериш ҳақида рисола”си битилган. Мазкур рисола Маҳмуд Замахшарийнинг олимлар томонида йўқолган, – деб ҳисобланган асари бўлиб, Ёкут Ҳамавий уни “Таслия аз-зарир” номи билан зикр қилган.

Муаллиф асарни кўзи ожиз инсонга мурожаат билан бошлайди. Унда Яратгандан унинг эътиқод ва динини, иймон ва ишончини зиёда қилишини, қалбини порлоқ нур, ёрқинлик билан тўлдиришини сўрайди. Ҳаттоки, уни нури жуда паст бўлган Суҳо юлдузидан ҳам

махфий нарсаларни ақл нури билан кўрадиган қилишини айтади. У кўзларининг мантикий нурлари ва қалб кўзининг идроки билан ўткир кўзликлар ҳам кўра олмайдиган даражадаги нарсаларни илғаб олиши мумкинлигини таъкидлайди.

Назаримизда асар ҳажми дастлаб каттарок бўлган, кейинчалик, эса, муаллифнинг таъкидлашича қисқартирилган. Шу тариқа кўзи ожиз кишининг кўнглига тасалли беришга, панд-насихат орқали ғамини енгиллаштиришга ҳаракат қилган.

Муаллиф кўзи ожиз кишига таскин бериш мақсадида тарихда бўлиб ўтган воқеалардан ибрат сифатида беради. Жумладан, 33/653-94/713 йилларда яшаган Мадинаи мунавваранинг 7 та машҳур фақиҳларидан бири бўлган Урва ибн Зубайр воқеасини келтиради. У жуда сабрли, зоҳидлиги ва фақиҳлиги билан машҳур бўлган. Тарихдаги турли фитналарга аралашмаган. Унинг онаси Абу Бакр разияллоху анхунинг кизлари Асмо разияллоху анҳо бўлган. Урва ибн Зубайрнинг бир оёғи қорасон бўлиб кесилганда, Исо ибн Талҳа ибн Убайдуллоҳ унга: “Аллоҳга қасамки, биз сизни жангга тайёрламаган эдик. Аллоҳ сизнинг кўп қисмингизни асрабди. Аллоҳ қулоғингиз, кўзингиз, тилингиз, ақлингиз, икки қўлингиз ва бир оёғингизни қолдирибди”, деган экан. Шунда Урва ибн Зубайр “Эй Исо! Ҳеч ким менга сенчалик ҳамдардлик билдирмаган. Мен сени сабру қаноат билан қийинчиликларга бардош берувчи сифатида биламан. Синон ибн Ҳорисадан ҳам мулоимсан, бургут боласидан ҳам ўткирсан”, дея миннатдорчилик билдиради.

Маҳмуд Замахшарий кўзи ожиз кишини тавсифлаб, кўзи мусибатланган инсоннинг

диққати кучли ва мустаҳкам, хотираси тўлиқ, қалби тез жамланадиган, қулоғи яхши эшитадиган, туғма қобилияти тоза ва ёрқин, фикри теран, заковати уйғоқ, фикрлаши жуда тез, мияси мулоҳазали, ақли шишадан тозарок, тили ўткир, суҳбатларда моҳир бўлади, – деб таърифлайди. Бундай инсон худди кўргандек эслаб қолиши, жавоб қайтаришда зийраклиги, хотиржамлигини таъкидлайди ва Қуръони каримнинг Ҳадид сурасидаги **“Хоҳ ерга ва хоҳ ўзларингизга бирор мусибат етса, Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавҳул-маҳфузда битилган) бўлур. Албатта, бу Аллоҳга осондир. Токи, сизлар қўлларингиздан кетган нарсага қайғурмагaysиз ва (Аллоҳ) ато этган нарса билан шодланиб (ҳаволаниб) ҳам кетмагaysиз”** оятларини насихат тарзида келтиради.

Олим ўзининг юксак маҳорати билан тасалли беришда буюк шахсларнинг фикрлари ва нодир манбалардан иқтибослар келтиради. У фикрнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида, Ибн Аббос разияллоҳу анҳунинг куйидаги байтини келтиради ва назми моҳирона гўзал ушбу байтнинг мазмунини чақиш лозимлигини таъкидлайди:

*Агар Аллоҳ кўзим нуруни олса,
Майли, тилим ва қалбимда нур бор.
Қалбим закий, ақлимга ҳалал етмаган,
Оғзимда чақмоқ каби ўткир қиличим бор.*

Замахшарий тарихий воқеалардаги аниқ маълумотларни лўнда беради ва ўзи хулосалаб ўтади. Хусусан, кўзи ожиз бўлса ҳам ҳозиржавоблиги ва зехнининг ўткирлиги билан машҳур адиб Абул Айно Мутаваккилни **“Абул Айнонинг кўрлиги у билан ошна бўлишимга монъелик қилади”**, деяётганини эшитади ва **“Агар мўминлар амири менга қиличбозлик, ойни кўриш, нақшлардаги ёзувни ўқишни истисно қилганида, унинг ошна-оғайнигарчилиги тўғри бўларди”**, деган гапини келтиради. Маҳмуд Замахшарий уни хулосалаб, адиб дўстликка яроқли бўлиш сабабларининг кўплигига ишора қилмоқда. Чунки дўстлик ҳақиқий ақл, юксак фазилят, мустаҳкам хотира, ўткир тил, нутқнинг тўғрилигига боғлиқ ва уларнинг ичида кўзга боғлиқ нарса йўқ, – деган фикрни беради.

Инсон кўзлари билан дунё ва унинг гўзалликларига нигоҳ ташлайди ва унинг гирдобига киради. Айни шу дамда қалб ўзини йўқотиши мумкин. Қалб ўзини йўқотса, унга бало ва мусибат ўрнашади, фитна тухум қўйиб,

кўпаяди, дард кучаяди, хатога юзланади, қийналади. Аллоҳнинг наздида қанчадан-қанча зинокор кўзлар бор, – дейди олим. Ваҳоланки, Пайғамбар алайҳи салом **“Икки кўз зино қилади”**, деб таъкидлаганлар. Шунингдек, Аллоҳ азза ва жалла **“(Эй, Муҳаммад!) Мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёллардан) қуйи тутсинлар”** (Нур сураси, 30-оят), дея тасдиқлайди.

“Эй кўзи ожиз одам, сиз рўпарангиздаги анави ваҳшийларнинг юриш-туришларини, олдингизда туяларини чўктирганда ёки чордана куриб ёки сўккалаб ўтиргандаги одобсизликларини, гўё мўйловни қириш бидъат ва уни қолдириш суннатдек, юзингизга узун мўйловлари билан масҳараомуз юзланишларини, асл башараларини кўрсатиб, сарғайиб кетган озиқ тишлари билан иржайишларини, ўсиб кетган тирноқли калта қўлларини бигиз қилиб қарашларини кўрмайсиз”, дея мурожат қилади муаллиф. Бундай ҳолатларда баъзи кўзи очиклар кўрларнинг ҳолатини орзу қилади ва ўткирлиги билан зарбулмасал бўлган Ямома Зарқонинг кўзиларини орзу қилишдан воз кечади, – дейди. Рисола давомида ислом тарихидаги кўзи ожиз бўлган 22 та саҳобий ва тобеъийларнинг номларини зикр қилади. Ману шу рўйхатдан сўнг Маҳмуд Замахшарий тарихий бир ибратни келтиради. Жумладан, Муовия Ибн Аббосга **“Абдулмутталиб авлоди, сизлар кўзларингиздан айриласизлар”**, дегани, ўз навбатида Ибн Аббос эса **“Эй Бани Умайя, сизлар қалб кўзидан айриласизлар”** дея берган жавоби келтирилган ва улар сиз учун йўлбошчи ва уларда сиз учун ўрнак бор, – деб таъкидланган.

Асар хулосасида Замахшарий кўзи ожизларга юқоридаги инсонларни доимо эслашларини, сабр қилишларини, кўзлари кўрмаса ҳам бошқа аъзолари Аллоҳга итоат қилиб, қалбларини Унинг улуғлиги ва кибриёсига машғул этишларини сўрайди. Доимо улар учун аталган нарсаларни ёд этиш лозимлигини айтади ва тил билан Унинг неъматларининг шукри, оёқлар билан У Зотнинг розилиги учун ибодатда туриш, ҳар иккиси билан Унинг розилиги кўзланадиган жойларга бориш, қўлларини дуо ва истиғфор қилган ҳолда кўтариш, ножўя айтилган сўзлар учун йиғлаган ҳолда қўлларини очиш зарурлигини эслатади. Агар шундай қилинса, у инсон мустаҳкам эътиқод, юксак фазилят, илмда пешқадамлик, ҳилм либосини кийиш, соғлом ақл, мулоҳим қалб, қўполликдан тоза, душманликдан пок юракли бўлишини таъкидлайди.